

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ
РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ ОТАБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРНИ КУЧСИЗ МИНЕРАЛЛАШГАН ЗОВУР
СУВЛАРИ БИЛАН СУҒОРИШНИ ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ (БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Муродов Отабек Улуғбекович

Такрорий экинларни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғоришни ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини баҳолаш (Бухоро вилоятининг шўрланган тупроқлари шароитида) 3

Муродов Отабек Улуғбекович

Оценка влияния орошения повторных культур слабоминерализованными дренажными водами на мелиоративное состояние земель (В условиях засоленных почв Бухарской области)..... 21

Murodov Otabek Ulugbekovich

Evaluation of the impact of irrigating summer crops with low mineralized drainage water on the meliorative condition of soil (Under the condition of saline soils of Bukhara region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ БУХОРО ТАБИИЙ
РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ ОТАБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРНИ КУЧСИЗ МИНЕРАЛЛАШГАН ЗОВУР
СУВЛАРИ БИЛАН СУҒОРИШНИ ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ (БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx1175 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши "Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Исаев Сабиржон Хусанбаевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Хамидов Муҳаммадхон Хамидович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Эшонкулов Жамолiddин Сапарбой ўғли
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташиқлот: Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг « 27 » 02 2025 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 185 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, УзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2025 йил « 11 » 02 да тарқатилди.
(2025 йил « 11 » 02 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,
профессор.

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар.
раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё аҳолиси 2050 йилда тахминан 9 миллиардга етиши кутилаётган бир пайтда, сув танқислиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги глобал муаммога айланмоқда, чунки чекланган сув ресурслари билан кўпроқ озиқ-овқат етиштириш керак бўлади. Сув танқислиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун мавжуд бўлган сув миқдорининг қисқаришига олиб келмоқда, бу эса ўз навбатида озиқ-овқат ишлаб чиқаришни қисқартирди ва унинг хавфсизлигига салбий таъсир этади. Дунё бўйлаб, 160 миллион гектар экин майдонларига шўрланиш таъсир кўрсатиб, ҳар йили 1,5 миллион гектар ерни қишлоқ хўжалигига яроқсиз ҳолга келтирмоқда¹. Бундай салбий оқибатлар экин майдонларини қишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетишига олиб келмоқда.

Жаҳон суғорма деҳқончилиги амалиётида сув танқислиги шароитида илмий асосланган экинларни суғоришда қўшимча сув манбаси сифатида кучсиз минераллашган зовур сувларидан фойдаланиш натижасида дарё сувларини иқтисод қилиб, экинларнинг ҳосилдорлигини 10-15 фоизгача оширишга эришилмоқда. Шу сабабли, тобора ортиб бораётган сув танқислиги шароитида унинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида кучсиз минераллашган зовур сувларидан суғорма деҳқончиликда фойдаланиш бўйича илмий изланишлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида суғориладиган ерларнинг унумдорлигини оширишга доир сўнгги йилларда олиб борилган тадбирлар натижасида: ишлатилган ўртача йиллик сув миқдори 51-53 млрд куб метрни, жумладан, 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор-зовур тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер ости сувларидан фойдаланиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган². Бундан ташқари 2030 йилгача шўрланган суғориладиган ер майдонларини 226 минг гектарга камайтириш режалаштирилган. Бу борада сув танқислигини камайтириш, зовур сувларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштириш билан тупроқнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги ПҚ-237-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар

¹<https://www.fao.org/newsroom/detail/water-scarcity-means-less-water-for-agriculture-production-which-in-turn-means-less-food-available-threatening-food-security-and-nutrition/ru>

²<https://lex.uz/docs/4892953?ONDATE=08.07.2022&ONDATE2=11.07.2020&action=compare>

тўғрисида»ги қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»га Фармони ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда коллектор-зовур сувларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг минерализациясини ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш бўйича республикамизда Қ.Мирзажонов, Н.Беспалов, М.Хамидов, С.Исаев, Ҳ.Якубов, К.Бейсенбоев, М.Якубов, Р.Икрамов, У.Жўраев ва хорижда D.Wrachien, D.Balla, S.Maasen, B.Wedding, B.Shults, K.Keinzler, J.Andersson каби олимлар томонидан кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, бугунги кунда шўрланган тупроқлар ва сув танқислиги шароитида кўшимча сув манбаси сифатида зовур сувларидан фойдаланиш, уларнинг ерларни мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва барқарор ҳосил етиштиришда биопрепаратлардан фойдаланиш бўйича етарли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари, режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти илмий тадқиқотлар режасининг “Шўрланган тупроқлар шароитида такрорий экинларни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғоришни ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш” (Бухоро вилояти мисолида) (2021-2023 йй.), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ФАО томонидан амалга оширилаётган “Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш” (GCP/SEC/293/GFF) халқаро амалий лойиҳаси (2019-2023 йй.), Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 02/2022-сонли “Бухоро вилоятининг турли тупроқ-мелиоратив шароитида экинларни етиштиришда кам минерализациялашган зовур сувларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси дастури доирасида бажарилган (2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади. Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, ўртача шўрланган ва механик таркиби ўрта қумоқ тупроқлари шароитида такрорий

экин сифатида экилган тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш, тупроқнинг намланиш қатламлари ва экинларга Нанокремний ва AMINOSID Universal Si биопрепаратлари билан ишлов беришни суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига ҳамда тарик ва кунгабоқарнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирларини ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал, механик таркиби ўрта қумоқ, ўртача даражада шўрланган тупроқлари шароитида такрорий экинлар тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш ва тупроқнинг намланиш қатламларини унинг сув-физик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

такрорий экинларни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш, тупроқни намланиш қатламлари ҳамда тарик ва кунгабоқарга биопрепаратлар билан ишлов беришни экинларнинг суғориш тартибига таъсирини аниқлаш;

такрорий экинларни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш, тупроқни намланиш қатламлари ҳамда тарик ва кунгабоқарга биопрепаратлар билан ишлов беришни экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

такрорий экин сифатида экилган тарик ҳамда кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш ва тупроқни намланиш қатламларининг ерларни мелиоратив ҳолатига таъсирини аниқлаш;

такрорий экинларни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш, тупроқни намланиш қатламлари ҳамда тарик ва кунгабоқарга биопрепаратлар билан ишлов беришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти: ўтлоқи аллювиал, ўртача шўрланган, механик таркиби ўрта қумоқ тупроқлар, Нанокремний ва AMINOSID Universal Si биопрепаратлари, тарикнинг “Саратовское-853” ва кунгабоқарнинг “Дилбар” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб такрорий экин сифатида экилган тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш, тупроқнинг намланиш қатламлари ва экинларга Нанокремний ҳамда AMINOSID Universal Si биопрепаратлари билан ишлов беришни тупроқнинг сув-физик хоссаларига, тарик ва кунгабоқарни суғориш тартибларига, ерларнинг мелиоратив ҳолатига ҳамда экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари, лаборатория таҳлиллари, кузатувлар, биометрик ўлчов ва ҳисоб–китоблар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, тупроқнинг агрохимёвий хоссалари “Методы агрохимических анализов почв и растений”, доннинг сифат

кўрсаткичлари Республика Қишлоқ хўжалиги навларини синаш Марказий кимё–технологик лабораторияси услубий қўлланмалари асосида аниқланган, олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби бўйича математик–статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илк бор, иқлим ўзгаришига мослашиш, сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатишда Бухоро вилоятининг сизот сувлари сатҳи 2,0-2,5 метр, минерализацияси 2,5-3,0 г/л бўлган ўтлоқи аллювиал, ўртача даражада шўрланган, механик таркиби ўрта кумок, тупроқлари шароитида:

такрорий экин тарикни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш натижасида тупроқнинг намланиш қатламлари 30-50-30 см бўлиб, унга Нанокремний биопрепарати билан 100 г/га меъёрда 2 марта ишлов берилганда, тарикни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да 0-1-1 тизимда 2 марта 745-582 м³/га суғориш меъёрлари ва 2185 м³/га (экишдан олдин тупроқни намлатиш учун суғориш билан) мавсумий суғориш меъёри билан суғориш аниқланган;

такрорий экин кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғоришда тупроқнинг намланиш қатламлари 40-50-40 см бўлиб, унга Нанокремний биопрепарати билан 100 г/га меъёрда 2 марта ишлов берилганда, кунгабоқарни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да 0-1-1 тизимда 2 марта 750-585 м³/га суғориш меъёрлари ва 2193 м³/га (экишдан олдин тупроқни намлатиш учун суғориш билан) мавсумий суғориш меъёри билан суғориш аниқланган;

такрорий тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш, тупроқнинг намланиш қатламлари 30-50-30 (тарикда) ва 40-50-40 (кунгабоқарда) см бўлиб, уларга Нанокремний биопрепарати билан 100 г/га меъёрда 2 марта ишлов берилганда, тарикнинг бўйи 103 см ни, ҳосилдорлиги 31,7 ц/га ни ҳамда кунгабоқарнинг бўйи 144,3 см бўлиб, 29,8 ц/га уруғ ҳосили олинган;

такрорий экинлар тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғоришда вегетация даври охирида тупроқда туз тўпланиши назоратга нисбатан тарик етиштирилган далада хлор иони миқдори ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,004 % га ҳамда 0-100 см қатламда 0,003 % га, куруқ қолдиқ миқдори 0,038 ва 0,046 % га кам йиғилганлиги аниқланган ва кунгабоқар етиштирилган далада хлор иони ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,004 % ва 0,003 % га, куруқ қолдиқ миқдори эса 0,068 ва 0,074 % га кам йиғилганлиги аниқланган;

такрорий экинлар тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғоришда намлантириш қатлами 30-50-30 (тарикда) ва 40-50-40 (кунгабоқарда) см бўлиб, уларга Нанокремний биопрепарати билан 100 г/га меъёрда 2 марта ишлов берилганда тарикнинг “Саратовское-853” навидан олинган шартли соф фойда 2 млн 711 минг сўм/га ва рентабеллик даражаси 44,5 % га ҳамда кунгабоқарнинг “Дилбар” навини етиштиришда олинган шартли соф фойда 5 млн 869 минг сўм/га ни ва рентабеллик даражаси 74,4 %

га тенг бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятининг ўтлоқи-аллювиал, ўртача шўрланган, механик таркибига кўра ўрта кумок, сизот сувларининг сатҳи 2,0-2,5 метр чуқурликда жойлашган, минерализацияси 2,5-3,0 г/л бўлган тупроқлар шароитида такрорий экин сифатида тариқнинг “Саратовское–853” ва кунгабоқарнинг “Дилбар” навларини экиш, суғоришда кучсиз минераллашган зовур сувларидан фойдаланишда ҳисобий қатламларни ўзгариши натижасида тупроқда туз тўпланиши нисбатан кам бўлиб, такрорий экинлардан юқори ҳосил олиш имконияти мавжудлиги аниқланган.

Такрорий тариқ экинини етиштиришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да, тупроқнинг ҳисобий қатлами 30-50-30 см да уруғ суви билан бирга 3 марта суғорилиб, суғориш меъёрлари 745-582 м³/га, мавсумий суғориш меъёри (экишдан олдин ерни намлатиш учун суғориш билан) 2185 м³/га ни ташкил қилиб, ҳисобий қатлам 50-70-50 см бўлган вариантга нисбатан 124 м³/га сув ресурслари иқтисод қилинган. Такрорий кунгабоқар экинини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да ва тупроқнинг ҳисобий қатлами 40-50-40 см да суғорилганда суғориш меъёрлари 750-585 м³/га, мавсумий суғориш меъёри (экишдан олдин тупроқни намлатиш учун суғориш билан) 2193 м³/га ни ташкил қилиб, суғоришда тупроқ ҳисобий қатлами 50-70-50 см да суғорилган вариантга нисбатан 129 м³/га кам сув сарфланганлиги аниқланган.

Такрорий тариқнинг “Саратовское–853” навини Нанокремний биопрепаратини кўллаб, зовур сувларидан фойдаланиб суғоришда тупроқнинг ҳисобий қатлами 30-50-30 см ни ташкил қилган вариантда 31,7 ц/га дон ҳисили олиниб, шартли соф фойда 2 млн 711 минг сўм/га ни, рентабеллик даражаси 44,5 % ни, такрорий кунгабоқарни Нанокремний биопрепаратини кўллаб, зовур сувлари билан суғоришда ҳисобий қатлам 40-50-40 см ни ташкил қилган вариантларда уруғ ҳосили 29,8 ц/га, шартли соф фойда 5 млн 869 минг сўм/га ва рентабеллик даражаси 74,4 % бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар умум эътироф этилган услубий кўлланмаларга мувофиқ ўтказилганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар апробациядан ўтказилганлиги, тажриба натижалари амалиётда жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ЭХМ дастурига гувоҳнома олинганлиги ва тадқиқот натижаларининг Халқаро ва Республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда маърузалар қилинганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини изоҳлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал

тупроқлари шароитида илк бор такрорий тарик ва кунгабоқарни минерализацияси 2,5-3,0 г/л бўлган зовур сувлари билан суғориш, тупроқнинг ҳисобий қатламлари ва экинларга Нанокремний ва AMINOSID Universal Si биопрепаратлари билан ишлов беришнинг экинларни суғориш тартиблари, тупроқнинг туз режими, тарик ва кунгабоқарнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такрорий тарикнинг “Саратовское-853” навини етиштиришда зовур сувлари билан суғоришда тупроқнинг ҳисобий қатлам қалинлигининг 30-50-30 см, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да назоратга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,004 % га, 0-100 см қатламида 0,003 % гача хлор миқдори ва 0,038; 0,046 % гача куруқ қолдиқ миқдори кам тўпланиши, дон ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 4,5 ц/га юқори бўлиши, 219 м³/га кам сув сарфланиши, рентабеллиги 14,4 % га ошган бўлса, кунгабоқарнинг “Дилбар” навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % да ва тупроқнинг ҳисобий 40-50-40 см қатлам суғорилганда 0-30 см қатламида 0,004 % ва 0-100 см қатламида 0,003 % гача хлор иони ва куруқ қолдиқ миқдори 0,068; 0,074 % кам тўпланиши, суғоришда тупроқ ҳисобий қатлами 50-70-50 см да суғорилган вариантга нисбатан 129 м³/га кам сув сарфланиши, уруғ ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 4,0 ц/га юқори бўлиши, рентабеллиги назоратга нисбатан 16,1 % га ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқлим ўзгаришига мослашиш, сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатишда Бухоро вилоятининг сизот сувлари сатҳи 2,0-2,5 метр, минерализацияси 2,5-3,0 г/л бўлган ўтлоқи аллювиал, механик таркиби ўрта қумоқ, ўртача даражада шўрланган тупроқлари шароитида тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

“Шўрланган тупроқлар шароитида такрорий экинларни кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғоришни ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини баҳолаш” номли тавсиянома ишлаб чиқилган. Ўзбекистон республикаси интеллектуал мулк агентлигидан DGU-35000 “Зовур сувлари билан такрорий экинларни суғоришнинг ҳосилдорликка таъсирини баҳолашнинг математик модел дастури” ва DGU-35001 “Зовур сувлари билан такрорий экинларни суғоришда ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини баҳолаш самарадорлигининг математик модел дастури”га ЭҲМ муаллифлик гувоҳномаси олинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 02.08.2024 й., 05/27-2821-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома ва дастурий таъминотлар агрокластер, сув хўжалиги мутахассислари, илмий тадқиқотчиларга қўлланма сифатида хизмат қилади;

такрорий тарикнинг “Саратовское–853” навини кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғоришда Нанокремний биопрепарати билан ишлов берилиб етиштириш ишлари Бухоро вилоятининг Вобкент, Шофиркон ва

Бухоро туманлари фермер хўжаликларида жами 50 гектар майдонда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 02.08.2024 й., 05/27-2821-сон маълумотномаси). Натижада такрорий тарикнинг “Саратовское–853” навини зовур сувлари билан суғоришда Нанокремний биопрепарати билан ишлов берилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % тартибда суғориш мақбул эканлиги аниқланган. Мавсум давомида 2 марта, 0-1-1 тизимда, мавсумий 2309-2344 м³/га меъёрни, мавсум давомида 291-245 м³/га сув тежалиши ҳамда 1 ц дон ҳосили етиштириш учун сарфланган дарё сувлари миқдори 75,2-80,8 м³ ни ташкил этганлиги аниқланган;

кучсиз минераллашган зовур сувлари билан суғориб такрорий кунгабоқарнинг “Дилбар” навини Нанокремний биопрепарати ёрдамида ишлов берилиб етиштириш Бухоро вилояти фермер хўжаликларида 50 га майдонда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 02.08.2024 й., 05/27-2821-сон маълумотномаси). Натижада такрорий экилган кунгабоқарнинг “Дилбар” навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % тартибда суғориш мақбул эканлиги аниқланиб, мавсум давомида 2 марта, 0-1-1 тизимда, мавсумий 2322-2368 м³/га меъёрларда суғорилганда назорат вариантыга нисбатан 291-245 м³/га сув ресурслари тежалишига эришилиб, 1 ц ҳосил етиштириш учун сарфланган сув миқдори 80,8-88,4 м³ ни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтининг махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, йиллик ҳисоботлар муҳокама қилинган, диссертация ишининг асосий натижалари бўйича 4 та, жумладан 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шунлардан тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан, 3 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда 2 та республика, 3 та халқаро анжуманлар тўпламларида, чоп этилган, шунингдек 2 та ЭҲМ дастурига муалифлик гувоҳномаси олинган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, шунингдек республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг

ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши, тартиби ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар, хулоса ва фикрлар батафсил келтирилган, қишлоқ хўжалиги экинлари зовур сувлари билан суғориш тартиблари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар чуқур таҳлил қилинган. Шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида такрорий экинларни кам мирераллашган зовур сувлари билан суғориш ҳамда Нанокремний ва AMINOSID Universal Si биопрепаратлари билан ишлов бериб етиштириш агротехнологиялари бўйича етарлича изланишлар ўтказилмаганлиги сабабли ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Бухоро вилояти субтропик ва мўътадил иқлим минтақаларининг шимолий чегарасида жойлашган, ўртача ҳаво ҳарорати 15,9 -17,2 °С, энг паст ҳаво ҳарорати-28,3 °С ни, энг юқори ҳаво ҳарорати эса 45,6 °С ни ташкил этади. Тупроқ юзасидаги энг юқори ҳарорат эса 73 °С гача этади, ёғингарчилик мавсумида ёғин миқдори 40,5 мм гача этади, ҳавонинг ўртача нисбий намлиги 24 ва 83 % оралиғида тебранади.

Бухоро вилоятининг суғориладиган ер майдонлари 275973 гектарни ташкил этиб, механик таркибига кўра лой, оғир ва ўрта кумоқ тупроқлар 56,9% ни, енгил кумоқ тупроқлар 35,6 % ни, кум ва кумлоқ тупроқлар 7,5% ни ташкил қилади. Тажриба майдони тупроғи ўрта кумоқ ўтлоқи аллювиал, сизот сувлари 2,0-2,5 метр чуқурликда жойлашган, ўртача даражада шўрланган эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тажриба ўтказиш тизими, услубиёти ва агротехник тадбирлар, экин навларининг таснифи ҳамда биопрепаратлар ҳақида маълумотлар”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказиш услуби ва тажриба тизими, такрорий экинларнинг биологик таснифи, Нанокремний ҳамда AMINOSID Universal Si биопрепаратлари таснифи, такрорий экинларни етиштиришда ўтказилган агротехник тадбирлар таснифи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобда дала ва лабораториядаги илмий изланишлар ПСУЕАИТИ да қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қўлланмаси асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида кўп омилли дисперсион таҳлил асосида статистик ишловдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Тажриба даласи тупроғи таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, ҳаракатчан

фосфор Б.Мачигин, алмашинувчи калий эса П.Протасов усулида, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлик эса Н.Т.Лактаев усулида аниқланган. Тупроқнинг туз режими В.В.Егоров, Н.Г.Минашина усулида ҳисоблаб чиқилган.

Диссертация иш дастурига мувофиқ илмий изланишлар Бухоро вилояти Вобкент тумани “Агрофайз зийнати” фермер хўжалигининг ўртача шўрланган, механик таркибига кўра ўрта қумоқ, ўтлоқи-аллювиал, сизот сувларининг сатҳи 2,0-2,5 метрда чуқурликда жойлашган, минерализацияси 2,5-3,0 г/л бўлган тупроқлар шароитида олиб борилган, диссертацияда барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилиб, тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоятининг ўртача даражада шўрланган, ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлари, кам минераллашган зовур сувлари, Нанокремний ҳамда AMINOSID Universal Si биопрепаратлари, тарикқнинг (*Panicum miliaceum* L.) “Саратовское-853” ва кунгабоқарнинг (*Helianthus annuus* L.) “Дилбар” навлари олинган.

Тажриба даласида кузги буғдой йиғиб олингандан сўнг, такрорий экинларни етиштириш мақсадида заҳира суви берилди. Тажриба даласидаги тарикқ экини қатор ораси 15 см ва кунгабоқар экини уруғлари қатор ораси 60 см қилиб, 4-5 см чуқурликда сеялка ёрдамида экилди. Тажриба вариантлари бир ярусда, 3 қайтарикда жойлаштирилиб, ҳар бир вариантнинг майдони 240 м² (узунлиги 50 м, кенлиги 4,8 м), тажриба даласининг ҳисобий майдони–2880 м² ни, умумий майдони эса – 8640 м² ни ташкил этди.

Тарикқнинг Саратовское–853 навини 1-3 ва 7-9-вариантларда, кунгабоқарнинг Дилбар навини 4-6 ва 10-12-вариантларда ҳамда экинларни уруғларига Нанокремний ва AMINOSID Universal Si биопрепаратлари билан ишлов берилиб, тарикқни ўғитлаш N-150, P-105, K-75 кг/га меъёрда ва суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС нисбатан 70-75-65 % да, 50-70-50 см ва 30-50-30 см ҳисобий қатламда, кунгабоқарнинг “Дилбар” навида N-200, P-140, K-100 кг/га меъёрда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС нисбатан 70-70-65 % да ҳамда 50-70-50 см ва 40-50-40 см ҳисобий қатламда зовур сувлари билан суғориш ишлари амалга оширилди.

Кузги буғдойдан бўшаган ерни сифатли шудгорлаш учун ҳар йили шудгордан олдин ерни намлатиш мақсадида ўртача 852-863 м³/га меъёрларда суғориш ўтказилди.

Ҳар йилнинг 27 июнидан 29 июнигача тажриба даласида тарикқнинг «Саратовское-853» нави ҳамда кунгабоқарнинг “Дилбар” нави экилди. Бунда экиш меъёри тарикқда 18 кг/га ни ташкил қилган бўлса, кунгабоқар экини гектарига 5 кг меъёрида сара уруғ сарфланиб, Нанокремний биопрепаратининг 300 г ни 10 литр сувга ва AMINOSID Universal Si биопрепарати 100 мл ни 10 литр сувга аралаштириб, уруғларнинг 1 тоннасига ишлов берилиб, сўнгра махсус дон экиш сеялкалари ёрдамида уруғлар экилди. Такрорий кунгабоқар экини ўсув даврида 2 марта культивация, бир марта бегона ўтларга қарши чопиқ қилинди. Такрорий экинларда 2 марта суғориш ва икки марта минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Тажриба ўтказилган

йилларда тарик учун жами минерал ўғитлар меъёри азот–150 кг/га, фосфор–105 кг/га ва калий–75 кг/га ни, кунгабоқарга азот–200 кг/га, фосфор–140 кг/га ва калий–100 кг/га ни, такрорий экинларга калий ва фосфорли ўғитларнинг тўлиқ меъёри шудгордан олдин, азотли ўғитлар билан биринчи озиклантириш экин экилаётганда 60 кг/га, биринчи суғоришдан олдин 90 кг/га тарикда, кунгабоқарни 80 кг/га ва 120 кг/га меъёрда озиклантирилган.


Такрорий тарикни туплаш ва рўваклаш фазаларида, нанокремний биопрепаратларининг 100 грамм миқдорда 300 литр сувга аралаштириб гектар ҳисобига майдонда ишлов берилди. AMINOSID Universal Si биопрепаратининг 3 литр миқдори 300 литр сувга аралаштирилиб такрорий тарик экинининг бир гектарига суспензия сифатида сепилган.

Тажрибалар давомида такрорий кунгабоқарнинг шоналашдан-гуллаш ва гуллаш-пишиш фазаларида нанокремний биопрепаратининг 100 грамм миқдори 300 литр сувга аралаштириб, бир гектар ҳисобига ишлов берилди. AMINOSID Universal Si биопрепаратининг 3 литр эритмасини 300 литр сувга аралаштириб, такрорий экиннинг баргидан суспензия усули билан бир гектар ҳисобига ишлов берилган.

Диссертациянинг **“Такрорий экин тарик ва кунгабоқарни кучсиз минераллашган зовур суви билан суғориш ва биопрепаратларни қўллаш бўйича тажриба натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида зовур сувларининг сифатини баҳолаш такрорий экин навларини зовур сувлари билан суғориш, суғориш олди тупроқ намликлари ва суғориш муддатлари, сони, суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари, Нанокремний ва AMINOSID Universal Si биопрепаратлари билан ишлов бериш ҳамда бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдорлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажриба майдони бўлган Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги “Агрофайз зийнати” фермер хўжалигига хизмат кўрсатадиган Қўнғирот зовурининг узунлиги 5,7 км бўлиб, хизмат кўрсатадиган майдони 205,2 гектарни, зовурнинг сув сарфи 0,24-0,43 м³/сек ни ташкил этди. 2021 йил такрорий экинларнинг амал даври бўлган 1-суғоришда фойдаланилган зовур сувининг минерализацияси 2,8 г/л ни, 2-суғориш даврида зовур сувининг минерализацияси 2,8 г/л га тенг бўлгани аниқланган.

Илмий тадқиқотлар давомида 2020-2022 йилларда такрорий тарикнинг «Саратовское-853» навини етиштиришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–65 % да, маъдан ўғитлар меъёри N-150; P-105; K-75 кг/га меъёрда ва такрорий кунгабоқарнинг «Дилбар» навини етиштиришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–65 % да, маъдан ўғитлар меъёри N-200; P-140; K-100 кг/га меъёрда қўлланилиб, зовур суви билан суғорилган барча вариантларда суғоришлар сони 2 мартани ташкил қилиб, ҳар бир суғоришлар тарикни ҳисобий 30-50-30 см қатламни 7-вариантдаги мавсумий суғориш меъёри 1327 м³/га ни ташкил этган бўлса, кунгабоқар экинига ҳисобий 40-50-40 см қатлам учун 11-вариантда мавсумий суғориш меъёри 1335 м³/га га тенг бўлган (1-расм).




1-расм. Такрорий экин тариқ ва кунгабоқарнинг ўртача 3 йиллик мавсумий суғориш меъёри м³/га

Такрорий тариқни 30-50-30 см ҳисобий қатламни намланган ҳолда суғориб етиштириш натижасида экиннинг ўсиши ва ривожланиши Август ойида бўйи 7-8-9-вариантларда 24,6-26,7-25,5 см ни, барглар сони эса 6-8-7 донани ташкил қилди. Кузатувларнинг сентябрь ойида экинларнинг бўйи 93-97-95 см га тенг бўлган бўлса, барглар сони 7-9-8 та бўлди, октябрь ойига келиб тажриба даласида тариқ экиннинг бўйи вариантлар кетма – кетлиги бўйича 106-110-108 см ни, ундаги барглар сони эса 9-11-10 донани ташкил қилди. Бундан ташқари, 40-50-40 см қатламни намланган ҳолда суғорилган кунгабоқарнинг бўйи август ойида 10-11-12-вариантлар бўйича 54,0-57,0-55,7 см ни, барг сони эса 7-9-8 донага тенг бўлиб, август ойининг иккинчи декадасида кунгабоқар сафатчалай бошлади ҳамда сентябр ойининг бошида тажриба даласида кунгабоқар тўлиқ сафатчалади. Кузатувларнинг октябр ойида кунгабоқарнинг бўйи 141,7-144,3-142,7 см ни, барг сони эса 16-18-17 донани ташкил қилган.

Тажриба майдонида сизот сувларининг минерализацияси ўсув даври давомида суғоришлардан олдин ва суғоришлардан кейин аниқлаб борилди. Бунинг учун тажриба майдонига ўрнатилган кузатув қудуқларидан сизот суви намуналари олиниб, лаборатория шароитида сувли сўрим анализи бўйича қуруқ қолдиқ миқдори аниқланган (2-расм).

Тажриба майдонида зовур сувлари билан суғориш вариантлари бўйича тупроқнинг туз режимини ўрганиш учун тупроқнинг 1 метр қатламидан (0-30, 0-50, 0-70, 0-100 см) амал даври бошида ва охирида ҳамда ҳар бир суғоришдан олдин ва кейин барча вариантлардан алоҳида тупроқ намуналари олиниб, унинг таркибидаги Cl, HCO₃, SO₄, Ca, Na, Mg ва қуруқ қолдиқ миқдори аниқланган, 1-жадвал.



2-расм. Сизот сувларининг минерализацияси, г/л (2020-2022 йиллар бўйича амал даври бошида ва амал даври охиридаги кўрсаткичлар)

Мавсумий туз тўпланиш коэффициентлари таҳлил қилинганда, тарикни тупроқнинг ҳисобий 30-50-30 см қатламида хлор иони 7-8-9-вариантларда 2,3;1,9 ва 2,0 фоизни, қурук қолдик 2,1; 1,7 ва 1,9 фоизни ташкил этиб, тупроқ ҳисобий 50-70-50 см қатламидаги 1-2-3-вариантга нисбатан хлор иони 0,1; 0,2 ва 0,2 фоизга кам бўлди. Қурук қолдик эса 0,2;0,3 ва 0,1 фоизга кам бўлганлиги аниқланган. Такрорий кунгабоқарни тупроқнинг ҳисобий 40-50-40 см қатламида хлор иони 10-11-12-вариантларда 2,4;2,0 ва 2,1 фоизни қурук қолдик 2,3;1,9 ва 2,1 фоизни ташкил этиб, тупроқ ҳисобий 50-70-50 см қатламидаги 4-5-6-вариантга нисбатан хлор иони 0,1;0,2 ва 0,2 фоизга кам бўлди. Қурук қолдик миқдори эса ўзгаришсиз қолганлиги кузатилган.


Сув танқислиги шароитида 2020-2022 йилларда ҳисобий 50-70-50 см қатламни зовур сувлари билан суғориб етиштирилган тарикнинг ўртача ҳосилдорлигини таҳлил қилинганда, 1-, 2- ва 3 вариантларда гектарига мос ҳолда 25,7-31,1-29,1 центнер дон ҳосили йиғиштириб олинди. Шунингдек, тарикни 30-50-30 см қатламда зовур сувлари билан суғориб етиштириш натижасида 7-8-9-вариантларда ўртача дон ҳосилдорлиги 27,2-31,7-30,1 ц/га га тенг бўлган бўлса, кунгабоқарни 50-70-50 см қатламда зовур сувлари билан суғорилганда 24,8 ц/га, Нанокремний ва AMINOSID Universal Si биопрепаратлари билан ишлов берилган 5-6 вариантларда ўртача уруғ ҳосили 28,7-26,8 ц/га ни ташкил қилган.

1-жадвал

**Зовур сувлари билан суғоришни тупроқнинг туз режимига таъсири
(2020-2022 йиллар)**

Тупроқ қатлами см	Амал даври охирида							Мавсумий туз тўпланиш коэффициенти	
	Cl	HCO ₃	SO ₄	Ca	Na	Mg	Қурук қолдик	Хлор ион	Қурук қолдик
1-вариант									
0-40	0,030	0,081	0,123	0,044	0,047	0,025	0,424	2,4	2,3
0-100	0,029	0,076	0,122	0,041	0,042	0,022	0,387		
2-вариант									
0-40	0,026	0,065	0,101	0,040	0,033	0,020	0,386	2,1	2,0
